

**ISBN: 978-605-74399-2-5**

# **ISOEVA – 5**

## **INTERNATIONAL SYMPOSIUM OF EDUCATION AND VALUES - 5**

**(ULUSLARARASI EĞİTİM VE DEĞERLER SEMPOZYUMU -5)**

**18 - 21 October 2021, Bodrum / TURKEY**

**18-21 Ekim 2021, Bodrum / TÜRKİYE**

**BİLDİRİ TAM METİNLERİ  
(FULL TEXTS)**

**Düzenleme Kurulu Başkanı / Organizing Committee**

Prof. Dr. Hamza KELEŞ (Gazi Üniversitesi, TÜRKİYE)

Prof. Dr. Kadir ULUSOY (Gazi Üniversitesi, TÜRKİYE)

**Düzenleme Kurulu / Organizing Committee**

Prof. Dr. Cengiz DÖNMEZ (Gazi Üniversitesi, TÜRKİYE)

Prof. Dr. Emre ÜNAL (Niğde Ömer Halisdemir Üniversitesi, TÜRKİYE)

Prof. Dr. Hakan AKDAĞ (Mersin Üniversitesi, TÜRKİYE)

Prof. Dr. Kubilay YAZICI (Niğde Ömer Halisdemir Üniversitesi, TÜRKİYE)

Prof. Dr. Necdet HAYTA (Gazi Üniversitesi, TÜRKİYE)

Prof. Dr. Nil DUBAN (Afyon Kocatepe Üniversitesi, TÜRKİYE)

Doç. Dr. Fuat Serkan SAY (Mersin Üniversitesi, TÜRKİYE)

Doç. Dr. Mustafa TAHİROĞLU (Nevşehir Hacı Bektaş Veli Üniversitesi, TÜRKİYE)

Doç. Dr. Mustafa ÖZGENEL (İstanbul Sabahattin Zaim Üniversitesi, TÜRKİYE)

Doç. Dr. Osman ÇEPNİ (Karabük Üniversitesi, TÜRKİYE)

Doç. Dr. Sezai ÖZTAŞ (Tekirdağ Namık Kemal Üniversitesi, TÜRKİYE)

Doç. Dr. Taner ÇİFÇİ (Sivas Cumhuriyet Üniversitesi, TÜRKİYE)

**Sergi Düzenleme Kurulu Başkanı**

Prof. Dr. Kadir ULUSOY (Gazi Üniversitesi, TÜRKİYE)

**Sergi Düzenleme Kurulu**

Prof. Dr. Arzu UYSAL (Mersin Üniversitesi, TÜRKİYE)

Prof. Dr. Fatih BAŞBUĞ (Akdeniz Üniversitesi, TÜRKİYE)

Prof. Dr. Fatma YETİM (Ankara Hacı Bayram Veli Üniversitesi, TÜRKİYE)

Prof. Dr. Leyla VARLIK ŞENTÜRK (Anadolu Üniversitesi, TÜRKİYE)

Prof. Dr. Mehmet ÖZKARTAL (Süleyman Demirel Üniversitesi, TÜRKİYE)

Prof. Dr. Melda ÖZDEMİR (Ankara Hacı Bayram Veli Üniversitesi, TÜRKİYE)

Doç. Dr. MİNE CAN (Kocaeli Üniversitesi, TÜRKİYE)

Doç. Dr. Ebru ALPARSLAN (Erciyes Üniversitesi, TÜRKİYE)

Doç. Dr. Emrah UYSAL (Mersin Üniversitesi, TÜRKİYE)

Doç. Dr. Hülya KASAPLI (Ankara Hacı Bayram Veli Üniversitesi, TÜRKİYE)

Doç. Dr. Meral AKAN (Selçuk Üniversitesi, TÜRKİYE)

Doç. Dr. Serdar SAYGILI (Erciyes Üniversitesi, TÜRKİYE)

Doç. Dr. Sibel ADAR CÖMERT (Niğde Ömer Halisdemir Üniversitesi, TÜRKİYE)

Doç. Dr. Vildan BAĞCI (Ankara Hacı Bayram Veli Üniversitesi, TÜRKİYE)

Doç. Dr. Zeynep BALKANAL (Bolu Abant İzzet Baysal Üniversitesi, TÜRKİYE)

Doç. Dr. Zuhail TÜRKTAŞ (Selçuk Üniversitesi, TÜRKİYE)

Dr. Öğretim Üyesi M. Sema ÜŞENMEZ (Sakarya Üniversitesi, TÜRKİYE)

Dr. Öğretim Üyesi Mehmet Ali BÜYÜKPARMAKSIZ (Kahramanmaraş Sütçü İmam Üniversitesi, TÜRKİYE)

Dr. Öğretim Üyesi Pakize KAYADİBİ (Bolu Abant İzzet Baysal Üniversitesi, TÜRKİYE)

## İÇİNDEKİLER

LDR SENSOR CIRCUIT FOR HALLWAY .....	6
DEVELOPMENT OF ARM MOVEMENT DIGITAL COUNTER FOR THERAPY.....	13
DESIGN THE BED THERAPY FOR COMATOSE .....	18
AUTOMATIC SAFETY DEVICE TO AVOID SPREADING COVID 19 .....	24
THE DEVELOPMENT OF QUARANTINE TRACKING BRACELET FOR COVID-19 PATIENT.....	31
ULTRASONIC VIBRATING SHOE FOR VISUALLY IMPAIRED PEOPLE.....	39
JOGGING TRACK ADVISOR .....	47
A STUDY OF USING SPATIAL-TEMPORAL PARAMETER ON FOLDABLE MOTORIZED WALKER FOR STABILITY AND BALANCING ASSESSMENT .....	56
THE RELATION BETWEEN FOOD DELIVERY APPS ATTRIBUTES AND CUSTOMER PERCEIVED VALUE.....	67
ZAKAT COLLECTION AND DISTRIBUTION IN WILAYAH PERSEKUTUAN, MALAYSIA.....	74
ONLINE LEARNING EXPERIENCE DURING THE COVID- 19 PANDEMIC AMONG STUDENTS.....	83
THE IMPACT OF SERVICE QUALITY, FACILITIES AND ATTRACTIONS ON VISITORS' SATISFACTION OF ZOO NEGARA MALAYSIA.....	90
THE RELATIONSHIP BETWEEN TELEPRESSURE AND FOMO TOWARDS SOCIAL MEDIA FATIGUE AMONG STUDENTS .....	102
THE IMPACT OF MONETARY, BENEFIT AND CONCERN ON PURCHASE INTENTION OF MEDICAL AND HEALTH INSURANCE DURING THE COVID-19 PANDEMIC.....	109
AUGMENTED REALITY LEARNING EXPERIENCE OF HAND GESTURE DEVICE FOR MUTE AND DEAF CHILDREN..	120
FACTORS INFLUENCING THE UPTAKE OF MEDICAL AND HEALTH INSURANCE AFTER COVID-19 AMONG HIGHER EDUCATORS IN SHAH ALAM, SELANGOR .....	127
THE APPLICATION OF INTEGRATED SYSTEM AND ANTENNA DESIGNS IN PINEAPPLES FERTIGATION AT SULTAN SALAHUDDIN ABDUL AZIZ SHAH POLYTECHNIC'S, SMART FARM .....	136
A STUDY ON THE EFFECTIVENESS OF ASSET MANAGEMENT SYSTEM (ASIS) IN HOSPITALS .....	147
DEVELOPMENT OF DOOR HANDLE SANITIZER FOR C19.....	156
BUBBLE AIR TRAP TRASH.....	166
THE DEVELOPMENTS FOR PEST REMOVAL AND WATERING OF PLANTS USING SMARTPHONE .....	174
THE INNOVATION OF WATER TRASH COLLECTOR BY USING ARDUINO .....	182
THE DEVELOPMENT OF BLUETOOTH REHABILITATION DEVICE FOR STROKE AND BROKEN ARM PATIENT USING ARDUINO.....	188
AN INNOVATION OF DIGITAL WIRELESS STETHOSCOPE .....	196
DESIGN AND DEVELOPMENT OF 2 IN 1 AGRICULTURE ASSISTING MACHINE FOR CROP PLANTATION .....	205
ANALYSIS ON THE USABILITY OF WIRELESS HAND GESTURE DEVICE .....	211
ISSUES OF BUKHARA HISTORY İN ISMAİLBEK GASPIRİNSKY'S "TRAVELS OF TURKESTAN" .....	219
THE DEVELOPMENT OF THE SCIENCE OF HISTORY IN BUHARA IN THE PERIOD OF MANGITS .....	225
FOREIGN RELATIONS OF THE ASHTARKHANI DYNASTY AND THE USMANI STATE.....	231
PSYCHOLOGICAL ASSESSMENT FOR CHOOSING THE RIGHT CAREER CHOICES .....	236
SOSYAL BİLİMLER VE DOĞA BİLİMLERİ BAĞLAMINDA SOSYAL BİLGİLERİ DISİPLİNLERARASI BİR YAKLAŞIMLA YENİDEN DÜŞÜNMEK.....	244
LİSE ÖĞRENCİLERİNİN İNTERNET BAĞIMLILIK DÜZEYLERİ.....	259

## **THE DEVELOPMENT OF THE SCIENCE OF HISTORY IN BUHARA IN THE PERIOD OF MANGITS**

**V.Sadullaeva**

*Basic doctorate (PhD) student of Bukhara State University, Uzbekistan, vazirasadullaeva@gmail.com*

### **ABSTRACT**

Political, economic, social and cultural events in the life of the state and society are recorded as important events and become an example and a source of lessons for future generations. During the reign of the Mangit dynasty, which ruled the Emirate of Bukhara, a number of works devoted to its activities were written, and today these sources serve to study a specific part of our history. One of the historians who wrote a work on the history of the Bukhara emirs was Mohammed Yaqub Buhari, son of Daniolbiy Atalik, the second acting ruler of the Mangit dynasty. He was born in 1771 and studied in Bukhara madrasas. He wrote "Gulshan ul-muluk" (Flower of Kings) in 1825-1831. The first part of the work is devoted to the ancient history of Bukhara, the genealogy of its rulers, and the second part is devoted to the history of the period in which the author lived. Muhammad Yaqub Buhari died in 1831 in the city of Bukhara. Abdulkarim Buhari (born in the second half of the 18th century), who held high positions in the palace of the Emir of Bukhara, Haydar, is also one of the scholars who wrote an excellent history. He was a supplier in the ranks of the ambassadors sent to Russia by Amir Haydar in 1804 and had been in St. Petersburg, Moscow, Haji Tarkhan (Astrakhan). He went to Istanbul in 1807 among the ambassadors sent to the Ottoman Turkish reign, got married there and lived to the end of his life. He died in Istanbul in 1830. Nedimi's History, written by Abdulkarim Buhari on the history of Turkestan and Afghanistan, has reached our hands. The French orientalist Schaefer called this work "History of Central Asia" and published it in French in Paris in 1876. Another historian of Bukhara is Muhammad Sharif ibn Muhammad Naki (late 18th - early 20th centuries), whose life has not been preserved. In 1800 he wrote "Taj ut-tavorix" ("Crown of Annuals") on the history of the Bukhara khanate. It tells the history of Genghis Khan and his descendants, the Shaybani and Ashtarkhanids, and the events that took place in the first years of Emir Haydar's reign. Two copies of the work are kept in the Center for Oriental Manuscripts in Tashkent. During the Mangit period, more than a hundred historians and scientists lived and wrote historical works in Bukhara. Only some of them were translated by source academics and translators and entered into scientific circulation. Reading and researching manuscripts is one of the most pressing problems of our time.

**Keywords:** Mangit dynasty 1, history 2, historian 3, Bukhara 4.

## MANGİTS DÖNEMİNDE BUHARA'DA TARİH BİLİMINİN GELİŞİMİ

### ÖZET

Devletin ve toplumun hayatında yer alan siyasi, ekonomik, sosyal ve kültürel olaylar önemli olaylar olarak kayıt altına alınmakta ve gelecek nesillere örnek ve ders kaynağı olmaktadır. Buhara Emirliği'ni yöneten Mangit hanedanının saltanatı sırasında, faaliyetlerine adanmış bir dizi eser yazılmıştır ve bugün bu kaynaklar tarihimize belirli bir bölümünü incelemeye hizmet etmektedir. Buhara emirlerinin tarihi üzerine bir eser yazan tarihçilerden biri, Mangit hanedanının ikinci vekili hükümdarı Danielbiyo Atalık'in oğlu Muhammed Yakub Buhari idi. 1771'de doğdu ve Buhara medreselerinde okudu. 1825-1831'de "Gulshan ul-muluk" (Kralların Çiçeği) adlı eseri yazdı. Eserin ilk bölümü Buhara'nın kadim tarihini, hükümdarlarının soykütüğünü, ikinci bölüm ise yazarın yaşadığı dönemin tarihine ayrılmıştır. Muhammed Yakub Buhari, 1831'de Buhara şehrinde öldü. Buhara Emiri Haydar'ın sarayında yüksek mevkilerde bulunan Abdukarim Buhari (18. yüzyılın ikinci yarısında dünyaya gelmiştir) aynı zamanda mükemmel bir tarih yazan alımlardan biridir. 1804 yılında Amir Haydar tarafından Rusya'ya gönderilen elçiler saflarında tedarikçiydi ve St.Petersburg, Moskova, Hacı Tarkhan (Astrakhan)de olmuştu. Osmanlı Türk saltanatına gönderilen elçiler arasında 1807 yılında İstanbul'a gitti, orada evlendi ve ömrünün sonuna kadar yaşadı. 1830'da İstanbul'da öldü. Abdukarim Buhari'nin Türkistan ve Afganistan tarihi üzerine yazdığı Nedimi'nin Tarihi adlı eseri elimize ulaşmıştır. Fransız oryantalist Schaefer bu eseri "Orta Asya Tarihi" olarak adlandırmış ve 1876'da Paris'te Fransızca olarak yayımlamıştır. Buhara'deyi başka bir tarihçi, hayatı korunmamış olan Muhammed Şerif ibn Muhammed Naki'dir (18. yüzyılın sonları - 20. yüzyılın başlarında). 1800'de Buhara hanlığı tarihi üzerine "Taj ut-tavorix" ("Yıllıkların tacı") eserini yazdı. Cengiz Han ve onun soyundan gelen Şeybaniler ve Aştarhanlılar'ın tarihini, Emir Haydar'ın saltanatının ilk yıllarda yaşanan olayları anlatır. Eserin iki nüshası Taşkent'teki Şark El Yazmaları Merkezi'nde muhafaza edilmektedir. Mangit döneminde Buhara'da yüzden fazla tarihçi ve bilim adamı yaşadı ve tarihi eserler yazdı. Bunların sadece bir kısmı kaynak akademisyenler ve çevirmenler tarafından tercüme edilmiş ve bilimsel dolaşma girmiştir. El yazmalarını okumak ve araştırmak günümüzün en acil sorunlarından biridir.

**Anahtar Kelimeler:** Mangit dönemi 1, tarih 2, tarihçi 3, Buhara 4.

Давлат ва жамият ҳаётида содир бўлган сиёсий, иқтисодий, ижтимоий ва маданий ҳодисалар муҳим воқеалар сифатида қайд қилиб борилади ва у келажак авлодлар учун ибрат ҳамда сабоқ манбаи бўлиб хизмат қиласди. Бухоро амирлигини бошқарган манғитлар сулоласи ҳукмронлиги даврида уларнинг фаолиятига бағишиланган қатор асарлар ёзилган бўлиб, бугунги кунда ушбу манбалар тарихимизнинг мұайян қисмини ўрганишга хизмат қиласди.

Бухоро амирлари тарихига бағишиланган асар ёзган тарихчи олимлардан бири Мұхаммад Яъқуб Бухорий бўлиб, манғитлар сулоласининг амалдаги иккинчи ҳукмдори Дониёлбиё Оталиқнинг ўғли эди. У 1771 йилда туғилган ва Бухоро мадрасаларида таҳсил олган. 1825-1831 йилларда “Гулшан ул-мулук” (Подшолар гулшани) асарини ёзган. Асарнинг биринчи қисмида Бухоронинг қадимги тарихи, унинг ҳукмдорлари шажараси баён қилинган, иккинчи қисми эса муаллиф яшаган давр тарихига бағишиланган. Мұхаммад Яъқуб Бухорий 1831 йилда Бухоро шаҳрида вафот этган.

Бухоро амири Ҳайдар саройида юқори лавозимларда ишлаган Абдукарим Бухорий (18 аср иккинчи ярмида туғилган) ҳам мукаммал тарих ёзган олимлардан биридир. У Амир Ҳайдар томонидан 1804 йил Россияга юборилган элчилар сафида таъминотчи бўлиб, Петербург, Москва, Ҳожи Тархон (Астрахан) шаҳарларида бўлган. Усмонли турк сultonлигига юборилган элчилар сафида 1807 йил саркотиб бўлиб, Истанбулга борган ва у ерда уйланиб, умрининг охирига қадар яшаб қолган. Истанбулда 1830 йилда вафот этган. Абдукарим Бухорийнинг Туркистон ва Афғонистон тарихига оид “Тарихи Надимий” асари бизгача етиб келган. Бу асарни француз шарқшуноси Ш.Шефер “Марказий Осиё тарихи” деб номлаб, француз тилида Парижда 1876 йилда нашр эттирган.

Бухоролик яна бир тарихчи Мұхаммад Шариф ибн Мұхаммад Нақый (18 аср охири 20 аср бошлари) бўлиб, ҳаётига оид маълумотлар сақланмаган. 1800 йилда Бухоро хонлиги тарихига оид “Тож ут-таворих” (“Йилномалар тожи”) асарини ёзган. Унда Чингизхон ва авлодлари, шайбонийлар ва аштархонийлар тарихи, амир Ҳайдар ҳукмронлигининг дастлабки йилларидағи воқеалар ҳақида маълумот берилади. Асарнинг 2 нусхаси Тошкентдаги Шарқ қўллэзмалари марказида сақланади.

1804 йилда Бухоро шаҳрида туғилган Мирзо Шамс Бухорий сарой муншийлари авлодларидан бўлиб, тарих ёзиш билан шуғулланган. Ўз аждодлари изидан бориб, Бухоро амирлари саройида муншийлик қилган. 1845-1849 йилларда Маккага ҳаж қилган. 1859 йилда тижорат иши билан Оренбургга борганида шарқшунос В.В. Григорьев унга Бухоро ва Қошғар хусусида тарихий асар ёзишни маслаҳат берган. Натижада “Баёни баъзи ҳаволисоти Бухоро, Ҳўқанд ва Қошғар” (“Бухоро, Қўқон ва Қошғарнинг айрим воқеа-ҳодисалари баёни”) асари дунё юзини кўрган.

Бухоролик тарихчи олимлардан яна бири Мұхаммад Миролим Бухорий бўлиб, Амир Насрулло даврида яшаб ижод қилган. Миролим Бухорий Ғузор ҳокими Мұхаммад Олимбекнинг хизматида бўлган ва унинг топшириғига биноан “Фатҳномаи Султоний” (“Султон фатҳномаси”) тарихий китобини ёзган. У амир Шоҳмурод давридан то амир Насруллоҳон ҳукмронлигининг дастлабки йилларигача Бухоро амирлигига бўлиб ўтган воқеаларни ўз ичига олади. Асар О. Чехович томонидан рус тилига таржима қилинган.

Амир Музаффарнинг ўғли Сайид Мұхаммад Носирхон Тўра ҳам тарих илмига қизиққан ва бир қатор тарихий китоблар ёзган. Носирхон Тўра XIX асрнинг ўрталарида туғилган. Бухоро мадрасаларида таҳсил олган. Отасининг ўлимидан сўнг, акаси Сиддиқхон Тўра (Ҳашмат) сингари вақтини китоблар мутолааси ва

турли мазмундаги асарлар битишга бағишилаган. Бухоро амирлиги тугатилгач, Бухоро Ҳалқ Совет Республикаси идораларида хизмат қилган. 1921-1923 йилларда Бухоро илмий жамиятининг "Анжумани тарих" бўлимида ишлаган. 1922 йилда жамият ҳамкорлигида Бухоро арки тарихига оид форс тилида "Таҳқиқоти Арки Бухоро" ("Бухоро Арки ҳақида тадқиқот") асарини ёзган. Шунингдек, унинг Бухоро амирлиги тарихига бағишиланган "Осори салотин" ("Султонлардан қолган ёдгорликлар"), "Туҳфат уз-зирин" ("Зиёратчиларга туҳфа"; Янги Бухоро, 1910), "Ҳоди уз-зирин" ("Зиёратчилар учун кўрсаткич"), "Кунуз ал-атқиё" ("Тақводорларга аталган хазиналар") асарлари мавжуд. Амир Олимхоннинг талаби билан Носирхон Тўра 1923 йил июлда Бухородан Афғонистонга юборилган. Кобул шаҳрида XX асрнинг 30-йиларида вафот этган. "Таҳқиқоти Арки Бухоро" асари 2009 йилда шарқшунос олимлар Ғулом Каримий ва Санжар Ғуломов томонидан ўзбек ва рус тилларида, "Туҳфат уз-зирин" асари тарихчи олим Ҳалим Тўраев томонидан рус тилида Тошкентда чоп этилган.

Бухорода маърифатпарварлик ҳаракатининг йирик намояндаси, адаб, хаттот, мунажжим ва мусаввир, давлат арбоби Аҳмад Дониш тарих фани ривожига ҳам ўзининг муносиб ҳиссасини қўшган. Аҳмад Дониш 1827 йилда Бухоро шаҳрида туғилган. Унинг отаси Носир Махдум Шофиркон туманининг Суғут қишлоғидан бўлиб, Бухоро мадрасаларида мударрислик қилган. Аҳмад Дониш Бухорода мадраса таълимини олгач, манғит амирлари Насруллоҳон (1806-1860), Музаффархон (1819-1885), Абдулаҳадхон (1859-1910) даврларида саройда турли лавозимларда ишлаган. Россияга юборилган элчилар таркибида З марта 1857-1858, 1869, 1873-1874 йилларда Санкт-Петербург ва Москвада бўлган. Тарихга бағишиланган "Рисолаи мухтасари аз таърихи хонадони манғития" ("Манғитлар хонадони салтанати тарихи ҳақида қисқача рисола") асари машҳур бўлиб, манғит ҳукмдорлари фаолияти танқидий ёритилган. Китоб 2014 йилда Қиёмиддин Йўлдошев томонидан форс тилидан ўзбек тилига таржима қилинган. Аҳмад Дониш 1897 йилда вафот этган ва Калабод мавзесидаги Пуштаи Беҳишитиён қабристонида дағн этилган.

Бухоролик машҳур тарихчи олимлардан яна бири Мирзо Абдулазим Сомий Бўстоний бўлиб, 1839 йилда Бухоро амирлигига қарашли Бўстон қишлоғида туғилган. Бухоро мадрасаларида таҳсил олган. Бухоро амирлари Музаффархон ва Абдулаҳадхонлар даврида сарой муншийси лавозимида ишлаган. Россия империяси билан Бухоро амирлиги ўртасида бўлган жангларда воқеанавис сифатида бевосита иштирок этган. Кейинчалик амирлик тузумига қарши фикрлари ва ҳажвий шеърлари учун саройдан четлатилган. Бухоро амири Абдулаҳадхондан узр сўрасада, кечирилмаган. Барча мол-мулки мусодара қилинган. Умрининг саройдан ташқаридаги даврини қашшоқлик ва камбағаллиқда ўтказган.

Сомий манғит амирлари тарихига бағишиланган "Туҳфаи шоҳий" (1900-1902) ва "Тарихи салотини манғития" (1906-1907) тарихий асарларини ёзган. Биринчи асар расмий сиёсат талаблари даражасида ёзилган бўлиб, ҳукмдорларга ижобий таъриф берилган. Иккинчи асарда эса манғитлар ҳукмронлиги даври танқидий нуқтаи назардан баҳоланган. У ўзи гувоҳ бўлган ва эшитган ҳодисаларга таяниб, амирлик идора услубидаги иллатлар, Россия ва Бухоро қўшинлари ўртасидаги жанглар, амир қўшин бошлиқларининг лаёқатсизлиги ва масъулиятсизлиги оқибатида мамлакатнинг катта қисми босқинчилар томонидан босиб олинганилиги ва валияҳд Абдумалик Тўранинг баъзи муваффақиятли жангларини тасвирлайди.

"Тарихи салотини манғития" асари шарқшунос Л.П.Епифанова томонидан рус тилига жузъий қисқартиришлар билан таржима қилиниб, факсимиliesи билан Москвада 1962 йилда нашр этилган. Илҳом

Султонов томонидан ўзбек тилига ўгирилган ва “Шарқ юлдузи” журналида 1993 йилда эълон қилинган. Мирзо Абдулазим Сомий 1908 йилда ўз қишлоғида вафот этган.

Бухоро амирлари саройида юқори лавозимларда фаолият кўрсатган Мирза Салимбек ҳам тарих ва адабиёт илмига жуда қизиқкан. У Бухоро шаҳрида 1848 йилда туғилган. Бухоро мадрасаларида таҳсил олган. Бухоро амирлари Музаффархон, Абдулаҳадхон ва Олимхонларга хизмат қилган. Мирза Салимбек 1885 йилда Амир Абдулаҳад жўнатган элчилар таркибида Петербургда бўлган. 1920 йил 29 августда Бухорони босиб олган қизил аскарлар томонидан Чоржўй шаҳрида қамоқقا олинган ва амирликнинг 56 нафар амалдорлари билан бир йил қамоқда ўтирган. Озодликка чиққач, 1921-1924 йилларда Бухоро Халқ Совет Республикасидаги Вақф ва Бухоро илмий жамияти ҳамда турли идораларда фаолият кўрсатган. Мирза Салимбек тарихчи сифатида “Кашқули Салимий” (“Салимийнинг дарвеш идишиси”, Тошкент, 1913), “Тарихи Салимий” (1917-1920 йилларда ёэилган) каби асарлар муаллифидир. 1930 йилда 82 ёшида Бухоро шаҳрида вафот этган. Мирза Салимбекнинг “Кашқули Салимий” асари форс тилидан ўзбек тилига Нарзулло Йўлдошев томонидан, “Тарихи Салимий” асари форс тилидан рус тилига Наим Норқулов томонидан таржима қилинган ва нашр қилинган.

Манғитлар сулоласи вакили, Амир Музаффархоннинг яна бир ўғли Сиддиқхон Тўра ҳам адабиёт ва тарих фанига жуда қизиқкан. У 1854 йилда Бухоро шаҳрида туғилган. Чоржўй вилояти ҳокими бўлган. Амир Музаффархон вафотидан сўнг сиёsatдан четлаштирилган ҳамда укаси Амир Абдулаҳадхон ва жияни Амир Олимхон даврида Бухоро шаҳрида яшаган. Унинг атрофида Бухоронинг машҳур олим, шоир ва уламолари тўпланган. Унинг бой кутубхонаси бўлган. Бухорода амирлик тузуми ағдарилиб, Бухоро Халқ Совет Республикаси тузилгач, 1921 йилдан Бухоро илмий жамиятида фаолият кўрсатган. Амир Олимхоннинг талаби билан 1923 йилда Кобулга юборилган. Автобиографик характерга эга “Дуррат ат-тоҷ”, “Тазкират уш-шуаро”, “Тазкират ас-Салотин” тазкираларини ёзган. “Тазкират ас-Салотин” тарихий тазкира бўлиб, XV-XX асрларда шеърлар ёзган ҳукмдорларга бағишиланган. 1931 йилда Сиддиқхон Тўра ҳаж зиёратига отланади ва Мадина шаҳрида вафот этади.

Юқорида номлари тилга олинган тарихчи олимларнинг асарлари қўлёзмалари Ўзбекистон Республикаси Фанлар академияси Абу Райҳон Беруний номидаги Шарқшунослик институти фондларида сақланмоқда. Хулоса қилиб айтганда, Бухорода манғитлар даврида юздан зиёд тарихчи олимлар яшаганлар ва тарихий асарлар ёзиб қолдиргандар. Манбашунослар ва таржимонлар томонидан уларнинг бир қисмигина таржима қилинган ва илмий муомалага киритилган. Қўлёзмаларни ўқиш ва тадқиқ қилиш бугунги куннинг долзарб муаммоларидан биридир.

#### **Фойдаланилган адабиётлар рўйхати**

Сайид Муҳаммад Носир ибн Музаффар. (2009). Таҳқиқоти Арки Бухоро. Форс тилидан таржима, сўз боши, изоҳлар ва кўрсаткичлар муаллифи Ғ. Каримов. Тошкент: Tafakkur.

Дониш А. (1964). Наводир ул-вақоे. Форс-тоҷикчадан А. Ҳамроев ва А. Шокиров таржимаси. - Тошкент: Фан.

Дониш А. (2014). Рисола ёҳуд манғитлар хонадони салтанатининг қисқача тарихи. Таржима, изоҳлар ва кириш сўзи муаллифи Қ.Йўлдошев. - Тошкент: ЎзМЭ нашриёти.

Мирза Абдал Азим Сами. (1962). Тарихи салатин-и мангитийа (История мангитских государей). Издание текста, предисловие, перевод и примечания Епифановой Л. М. – Москва.

Мирза Салимбек. (2009). Тарих-и Салими. Перевод и примечания Норкулова Н. К. - Ташкент: Академия.

Jamolova, D. (2020). Traveling to Modernity: Perception of Modernity of the Central Asian Muslims in the early 20th century. International Journal of Psychosocial Rehabilitation. № 24. P. 4202-4207. [www.psychosocial.com](http://www.psychosocial.com)